

НА ИЛОЖ,
МЕНТАЛИТЕТ
ШУНАҚА!

2-саҳифа

ОҒИШ
БУРЧАГИ

3-саҳифа

ТАНҚИДИЙ
ТАФАККУР
ЭВРИЛИШЛАРИ

4-саҳифа



O'ZBEKISTON
YOSHILAR
ITTIFOQI

1925-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN



YOSHILAR OVOZI

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

№30 (16335) 2019-YIL 13-APREL, SHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovozi.uz

yoshlarovozi@umail.uz

@Yoshlarovozi

Сайтнинг ўқув учун QR-кодini телефонингиз орқали сканер қилинг.

БЎКА: ҲАЁТБАХШ ТАШАББУСЛАР МАНЗИЛИ



Маънавияти ва интеллектуал салоҳиятли юксак авлодни тарбиялаш, ёшларнинг сифатли таълим олишига қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бугун давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари сирасида.

Президентимиз бу борада белгилаб берган вазифаларнинг тезкор ва изчил ижросига эришиш, аҳолини қийнаётган ижтимоий муаммоларни ўрганиш мақсадида тузилган республика ишчи гуруҳи айни пайтда Бўка туманида иш олиб бормоқда.



Мақсад туман ёшларини бекор қолдирмаслик, улар ўртасида китобхонликни омалаштириш, бўш вақтини

самарали ўтказиши учун маданий тадбирлар, компьютер саводхонлиги ва интернет марказлари, спорт тўғрисида ташкил қилишга қаратилган. Шу маънода, яқин истиқболда Бўкада кутубхона ва китоб дўконларининг сони кўпайтирилиб, "Book safe"лар фаолияти йўлга қўйилди. Бундан ташқари, ишсиз аёлларни тикув ва тўқимачилик цехларига ишга жойлаштириш бўйича алоҳида чора-тадбир белгиланган.

— Бугун ҳар бир бўкаликнинг калби шиоатта тўлмоқда, — дейди туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар

бўйича ўринбосари Аъзамжон Борхўжаев. — Чунки Юртбошимиз илгари сурган бешта ҳаётбахш ташаббуснинг амалий ифодасини улар биринчилар қаторида ўз ҳаётида кўриш ва ҳис қилиш имконига эга.

Шу кунларда туманда Президент администрациясининг маъсул ходимлари, барча мутасаддилар вакиллари, жамоат ташкилотлари раҳбарларининг шахсан ўзи ҳозир нозир бўлиб турибди. Ҳарқалай, Тошкент вилояти фаоллари, жумладан, Ёшлар иттифоқи вакиллари ҳам қараб тургани йўқ. Улар эгзу мақсадлар рўйида сидқидилдан киришган.

Бўкада ёшларни ижодиёт-

га қизиқтириш, маданият ва санъат марказларига жалб этиш, ушбу муассасаларда миллий қолқучилик, ҳонандалик, тасвирий санъат тўғрисида, ҳаваскорлик театр жамоалари ва болалар ансамбллари ташкил этиш бўйича ҳам сазй-ҳаракатлар



олиб борилмоқда. Айни вақтда "Бўстон" маҳалласидаги маданият маркази биноси таъмирланипти. Ҳадемай, бу ерда



160 ўринли кино-концерт зали қуриб битказилди. 12 турдаги янги мусика асбобларини тантанали тарзда топшириш ҳам кўзда тутилган.

Спорт иншоотларини қўпайтириш, шу жумладан, енгил конструкцияли, сендвич панелли кичик спорт залларини қуриш бўйича ҳомийлар билан ўзаро манфаатли ҳам-корлик ўрнатилди.

Учинчи ташаббус — аҳоли ва ёшларнинг компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиши юзасидан ҳам амалий қадамлар қўйилди.

Тўртинчи ташаббус доирасида туманга қарий 20 минг дона китоблар орттилган қарвоннинг кириб келиши бўкаликлар учун бебаҳо совға бўлди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва мутлоага жалб қилиш мақсадида республика мутасаддилари бўкаликлар учун аjoyиб тўхфаларни ҳозирлаган. Масалан, қаровсиз ётган эски стадион ўрнида "Маънавият ва маърифат" эопарки қуриладиган бўлди. Лойиҳага кўра, янги масканда экобондан ташқари, спорт майдончаси, амфитеатр ва замонавий кутубхона қад рост-лайди.

Бешинчи ташаббус доирасида тез фурсатда туманда каттагина тикув-трикотаж корхонасини ишга тушириш режалаштирилган. Қуни кеча "Бўстон" маҳалласи ҳудудида янги объект учун жой танла-ниб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Бир вақтнинг ўзи-да 130 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим муассасасини қайтадан таъмирлашга ҳам киришилган.

Хуллас, Бўкада ўзгаришлар катта. Хайли ташаббусларга бош қўшама деган киши борки, бугун ўзи ва фарзандлари учун порлоқ келажакни барпо этишга енг шимарган. Холис ният ва ҳалол меҳнат эса, элу юртни албатта яхши-ликка бошлайди.

Исломжон КАРИМОВ

SHU SONGA XABAR

150 ОИЛАНИНГ МУРОДИ ҲОСИЛ

Сергели туманидаги "Чоштепа" маҳалласида қуриб битказилган "Ёшлар уйлари" ўз эгаларига топширилди.



Давлатимиз томонидан мустақил ҳаётга қадам қўётган ёшларни муносиб рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 сентябрдаги "Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ижтимоий тараққиётга ўз хиссасини қўшаётган ёш оилаларга имтиёзли кредит асосида уй-жойлар берилди.

Янги хонадонларнинг навабтадигиси Тошкент шаҳридаги 150 та ёш оиллага насиб этди. Уларнинг ҳужжатлари республика комиссия томонидан тегишли тартибда қўриб чиқилиб, ижобий ҳулоса берилган.

"Ёшлар уйлари"нинг қалитларини тантанали топшириш маросимида қатнашган кенг жамоатчилик вакиллари бахтиёр оилаларни қўлаб, юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, ёшларга қўрсатилаётган ғамхўрлик учун республика раҳбариятига самимий миннатдорлик изҳор этди. Файрилар Ватан осойишталигини тилаб, юзига дуо тортиди.

Ҳасан УСМОНОВ

КЎХНА НАВОЛАРНИНГ СЎНМАС САДОСИ

Термизда I Халқаро бахшичилик санъати фестивали якунига етди. Тақдирлаш маросимида санъат, маданият ходимлари, фольклоршунос олимлар, жировлар, бахши-шоирлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.



Ёпилиш маросимида сўзга чиққанлар мусика тил танламаслиги ва чегара бимаслигини, унинг сеҳр-жозибаси ўзига барчани бирдек ром этишини таъкидлади. Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказишдан асосий мақсад халқ оғзаки ижоди нодир дурдонасининг барҳаётлигини таъминлаш экани айtilди.

Санъат байрамида дунёнинг 74 та давлатидан 160 нафардан зиёд ижрочи қатнашди. Уларнинг чиқишлари малакали мутахассислар, олимлар, танқиди санъат ва маданият арбобларидан иборат халқаро ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди.

Достончилик санъатининг миллий хусусиятлари, куй, нағма ва термаларнинг бадий-эстетик жиҳатлари, ўзига хослиги, халқ ижрочилиги усулларини эгаллаганлик даражаси, кийиниши, саҳна маданияти, либосларидаги бадий безакларнинг миллий анъаналарга мослиги, анъанавий мусика асбобларидан фойдаланиш жиҳатларига алоҳида эътибор берилди.

(Давоми 2-саҳифада)

РЕНТГЕНДАН ҲАМ АФЗАЛ



Юртимизда болалар тишларининг саломатлиги янги ускуна ёрдамида текширилмоқда. Бу бўйича ишлаб чиқилган махсус дастур тажрибасинов тариқасида Жиззах вилоятининг Фориш туманида татбиқ этиляпти.

Инновацион технология тишнинг бактериялар билан зарарланишганини жуда эрта аниқлаш имконини беради. Бу эса, қарис профилактикаси учун ниҳоятда муҳим. Дарвоқе, бугунги кунда ушбу касалликка Ўзбекистон

аҳолисининг деярли барчаси чалинган. Ваҳоланки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 35 фойздан ошмайди.

"Qscan" ускунасининг сезгир нурлари ҳатто рентгенда кўринмайдиган қарис ўчоқларини пайқашга қодир.

Қолаверса, аппарат жуда ихчам бўлиб, қўллашда ортқича қийинчилик тулдирмайди. Уни амалиётга жорий этиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Тошкент давлат стоматология институти мутахассислари билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

— Ҳозирча Фориш туманидаги иккита мактабгача таълим муассасасининг 150 нафардан зиёд тарбияланувчиси гигиеник кўрикдан ўтказилди, — дейди Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Бахтинур Худанов. — Дастлаб болалар ҳамда уларнинг ота-оналарига оғиз бўшлиғи гигиенаси, тишларни қандай қилиб тўғри тозалаш кераклиги, тиш қарисеи ва унинг салбий асоратлари ҳақида батафсил тушунча берилди. Сўнгра кичкин-тойларнинг тишлари "Qscan" ёрдамида

Н.БАҲОДИРОВА

НА ИЛОЖ, МЕНТАЛИТЕТ ШУНАҚА!

Ўзбекистон дунёга очилаётган мамлакат. Ички ва ташқи сиёсат учун маъсул раҳбарларимиз буни ҳар икки гапининг бирида такрорлайди. Тўғри, йигирма етти йил аввал биз тараққиётнинг демократик йўлидан боришга қарор қилгандик. Ўшандан буён кўп нарса ўзгарди.

Ҳаётимизга интернет, у билан бирга эса, ахборот ва қайсидир маънода, сўз эркинлиги ҳам кириб келди.

Давлатнинг халқ олдидagi ҳисобдорлик даражаси ортмоқда.

Биз инновациялар яратишни ўрганишимиз.

Таълим сифатига эътибор кучайган.

Ёшлар фаровон турмуш кечириш учун кўпроқ ўқиш ва изланиш кераклигини аниқлади.

Ҳозир бирон хорижий мамлакатга бориб таълим олиш, ишлаш ёки шунчаки, саёҳат қилиш баъзи юрtdошларимиз учун муаммо бўлмай қолди.

Хуллас, бундай ўйлаб қарасак, нимадандир нолиш ё норози бўлишга арзигулик сабаб ҳам йўқ.

Аммо ҳаёт қарама-қаршиликлардан иборат. Ҳар яхшининг бир ёмо-

ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ МАСАЛАСИДА “ОЛТИН ЎРТАЛИК”НИ ТОПИШ ЖУДА МУҲИМ

бир ўз шакли шамойилидан келиб чиқиб бичгани маъқул. Айтмоқчи-манки, юртимизга кириб келаётган барча ўзгариш ёки янгиликларни мутлақ тўғри ва фойдали нарсалар сифатига қабул қилмаслик керак. Илло, ҳар ишда етти ўлчаб, бир кесмоқ жоиздир.

Бугун халқаро экспертлар иштирокидаги кўпгина давраларда гендер тенглиги мавзуси кўтарилган. Бўлмаса-чи, ахир, бу масалани нақ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўзи кун тартибига қўйган! Аёллар ва эркаклар тенглиги бўйича ҳатто дунё рейтингига тузилиб, ҳар йили янгилаб борилади. “Юксалиш” умумий халқаро таълим сифати кўра, ҳозирча биз 187 мамлакат орасида 127-поғонадамыз.

Оила ва ижтимоий ҳаётда аёлларимиз фаол, ўқимшли ва билимдон бўлгани нур устига нур, албатта. Ахир, жамият фақат бир жинснинг етакчилиги ҳисобига ривожлана олмайди-ку. Ҳар ҳолда, қарс икки кўлдан чиқадди. Аммо гендер тенгликни таъминлаш ишתיки халқимиз онгида

талиғида журналист сифатида иштирок этдим. Ушбу лойиҳа ҳозирда Марказий Осиё, Яқин Шарқ ҳамда Африка мамлакатларини қамраб олаётган АҚШнинг “TechWomen” дастури асосида амалга оширилди. Мақсад қизларга дунёда талаб ортиб бораётган STEM тизимига кирувчи фан, технологиялар, инжиниринг ва математика бўйича замонавий билим олиб, кейинчалик шу соҳаларда етакчи позицияларни эгаллашга қўмаклашишдан иборат.

Мақсаднинг биринчи қисми кишида эътироз туғдирмайди. Опа-сингилларимиз янги билимлар олса, аввало, ўзларига-да фойда. Бироқ аёлларнинг карьерарафаст бўлиб қолишини шарқона тарбия ва тартиб-таомиллар устувор саналган жамият қанчалик ёқлар экан? Катта ишонч билан айти оламанки, бундай “кескин бурилиш” катта силкинишларга олиб келиши эҳтимолдан холи эмас.

“TechWomen” дастурининг илк иштирокчиларидан бири, киргизистонлик тадбиркор тенгдошимиз билан қисқа суҳбат давомида бир жихат алоҳида эътиборимни тортганли. У Америкада малака ошириб кайтган, IT соҳасида шахсий бизнесини йўлга қўйган экан. Бироқ Наргизанинг маҳаллий компаниялар билан ҳамкорлиги осон кечмади. Сабаби оддий — аёллиги “панд берган”. Ахир, қардош киргизлар ҳам бизга ўхшаб аёлнинг устулгини қабул қилмайдилар. На илож, менталитет шунақа!

Сўзининг якунида суҳбатдошимиз Европа бозорига чиққанида тамомида бошқа манзарага дуч келганини айтди. Бундай вазият Гарбда аёлу эркекнинг тенглиги табиий ҳолатга айланишидан далolat беради.

Қадриятлар тўқнашувини бартараф этиш иложисиз бўлиб қолган бугунги кунда қай бирига ён босмоқ ўзимизга ҳавола, албатта. Фақат шовқалоклик қилиб қўймасак дейман. Зотан, нотўғри танлов миллат учун қимматга тушибди.

Н.БАҲОДИРОВА

ДЕМОКРАТИЯ ЛИВОСИНИ ҲАР ҚАЙСИ МАМЛАКАТ ЎЗ ШАКЛИ ШАМОЙИЛИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ БИЧГАНИ МАЪҚУЛ

ни бор, дейди донолар. Шу маънода менга анчадан буён тинчлик бермаётган масалага тўхталмоқчиман. Дунёга тобора очилиб бораётган Ўзбекистон ташқаридан муайян тасаввур ва қарашларни “экспорт” қилаётгани ҳам аниқ ҳақиқат. Ҳозир бунинг яхши-ёмонлиги ҳақида гапирмоқчи эмасман.

Бир ҳисобдан, интеграция — қадрият, ва маданиятларнинг бир-бирига таъсир этиш жараёнини тўхтатиб бўлмайди. Глобал дунё учун бу норма. Бироқ демократия либосини ҳар қайси мамлакат бари-

нинг йиллар давомида шаклланиб, сайқалланиб ва мустаҳкамланиб борган Шарқ аёли образига пугтур етказишини шахсан мен сира хоҳламаган бўлардим. Мана шу ўринда демократик тамойиллар менталитет, яъни миллатнинг ўзига хос қирралари билан бирика олиши ҳамда бири иккинчисига таъсир кўрсатаётганида орада “олтин ўрталик” пайдо бўлиши жуда муҳим.

Яқинда республикамызда анча шов-шув билан ўтказилган “Илмфан ва технологияларда аёллар” номли биринчи Марказий Осиё ҳаф-

КЎҲНА НАВОЛАРИНИНГ СЎНМАС САДОСИ

(Воплашнинг 1-саҳифада)

Халқаро фестивалнинг олий муқофоти — Гран-прига қозғонгонлик Улжан Байбусинова сазовор бўлди. 1-ўринга ҳамюртимиз Абдуназар Поёнов ва туркманистонлик Керван Ёвбасаров лойик топилди.

Шунингдек, турли номинациялар бўйича голиблар аниқланди. Малайзиялик Камарул Баиҳаки Бин Камарус Баиҳас бахшичилик санъати фестивалнинг энг ёш иштирокчиси, деб топилди. “Ёши улуг иштирокчи” номинациясида эса, ўзбек бахшиси Отаҳон Матқубов тақдирланди. Тожикистондан Азизбек Зиев “Меҳр-окибатни тараннум этгани учун” йўналишида эътироф этилди. Барча го-

либлар диплом, статуетка ва пул муқофотлари билан тақдирланди.

Яқинда таниқли санъаткорлар, фольклор жамоаларининг чиқишлари барчага хуш қайфият улашди.

— Халқаро бахшичилик санъати фестивали биринчи марта кўҳна анъаналар макони — Сурхондарё вилоятида ўтказилди, — дейди “Қадриятлар давомчиси” номинацияси голиби Шерван Арна Жума (Афғонистон). — Фестивалдан катта таассурот олдим. Қўллаб-дўстлар ортирдим. Бошқа халқларнинг бахшичилик санъати ҳақида маълумотга эга бўлдим. Ўзбек заминидан яна дийдорлашгани иштирокчи билан кутиб қолам.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ИСРОИЛ НИМАНИ ТАКЛИФ ҚИЛЯПТИ?



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси раҳбари Бунёдбек Баҳромбеков Исроилнинг юртимиздаги факултетада ва мухтор элчис Эдуард Шапиро билан мулоқот олиб борди. Учрашувда Исроилнинг MASHAV халқаро ҳамкор-

лик агентлиги вакиллари ҳам иштирок этди.


Томонлар мамлакатларимиз ёш тадбиркорларининг ўзаро тажриба алмашиши бўйича ҳамкорлик қилиш масаласини муҳокама қилди. Ўз навбатида, Б.Баҳромбеков делегация аъзоларига республикамызда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил қилинган жамғарма фаолияти ҳусусида ағрофлича маълумот берди. Бундан ташқари, маданият ва санъат соҳалари бўйича икки томонлама алоқалар ўрнатишга доир таклифлар ўртага ташланди.

Эдуард Шапиро Ёшлар иттифоқи вакиллари жорий йилнинг 27 май кунини элчиҳона ташаббуси билан ўтказилган катта хўжалигини ривожлантириш мавзусидаги семинарга таклиф қилди.

Шахноза НУРУЛЛАЕВА

ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЙОТИ

МАКТАБЛАРИМИЗДА “KUNDALIK” ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ



Келаси ўқув йилидан шу номдаги автоматлаштирилган ахборот таълим платформасига юртимиздаги 53 та умумтаълим муассасасини ўтказиш режалаштирилган. Бу ҳақда Халқ таълими вазирлигининг ахборот хизмати хабар беради.

Электрон тизимни амалга ошириш жорий этиш билан “Kundalik” компанияси шугулланилган. Лойиҳага ўтган йилнинг охирида старт берилган эди.

Янги платформа мактаб маъмурияти ва муаллимларга дарс жадвалини онлайин тарзда тузиш, ҳисоботлар тайёрлаш, ўқув машғулотларини режалаштириш, шунингдек, ўқувчиларнинг давомати ҳамда ўзлаштириш даражасини электрон журнал ва кундаликларда мунтазам қайд этиб боришда қулайлик туғдиради. Қола-

верса, улар учун ҳимояланган ижтимоий тармоқ орқали ўзаро мулоқот қилиш, виртуал кутубхонага кириш ёки таълимга оид медиа ресурсларни юклаб олиш имконияти яратилган.

Ота-оналар эса, хоҳлаган вақтда фарзандининг баҳо-ларини текшириши ёки уй вазифалари ҳақида тўқис маълумот олиши мумкин. Бунинг учун интернетга уланган компьютер бўлса қифоя. Дарвоқе, дастурнинг мобил версияси ҳам мавжуд.

Айни вақтда жойларда

Рохатой КОДИРОВА

ЎСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

НЕМИСЧА ФЕРМЕРЛИККА ЎТАМИЗ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи делегацияси ўтган йили Германияга таширифи давомида Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш федерал вазирлиги билан бир қанча истиқболли лойиҳалар юзасидан музокара олиб борганди.

Эришилган келишув доирасида яқинда Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди вакили Улрих Кинетс Ўзбекистонга келди. У Ёшлар иттифоқи қошидаги Ёш фермерлар кенгаши ҳамда юртимиздаги тижорат банклари вакиллари билан учрашди.

Мулоқот чоғида Германиянинг



кишлоқ хўжалиги соҳасидаги тажрибасини ўрганиш мақсадида мувофиқлиги таъкидланди. Шу аснода яқин истиқболда немис

мутахассислари томонидан Тошкентда 25 нафар мураббий мультипликатор тайёрланади. Улар эса, ўз навбатида, ёш фермер-

ларимизга банк билан мулоқот қилиш усулларини ўргатиши керак. Лойиҳа доирасида ўқитувчи мультипликаторлар сафини уч минг нафаргача кенгайтириш кўзда тутилган.

— Ҳозирда тадбиркорлик ёки фермерлик фаолиятини бошлашнинг мақсад қилган ёшларнинг 90 фоизи имтиёзли кредит олишни истайди, — дейди Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши бўлими мудири Зухриддин Абдусатторов. — Банклар бундай кредитларни ажратиш учун етарли маблағга эга. Фақат йигит-қизларимизнинг билим даражаси ҳозирча етарли эмас. Бу борада бизга германиялик ҳамкорлар яқиндан ёрдам берди, деган умиддаман.

Мухбиримиз

